

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Сулайманов С.А., Каюпова М.*

*Қорақалпоқ давлат университети*

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февалдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишига оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони ҳамда 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириши ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-135-сон Қарори ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини 2022-2026 йилларда ривожлантириши мақсадли кўрсаткичлари белгилаб берилди ва ушибу йўналишида ишлар амалга оширилмоқда.

**Таянч сўз ва иборалар:** ислом, жамият, калом, масаввуф, масаввуф илми, диний дунёйчариш.

**КИРИШ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февалдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишига оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони ҳамда 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириши ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-135-сон Қарори ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини 2022-2026 йилларда ривожлантириши мақсадли кўрсаткичлари белгилаб берилди ва ушибу йўналишида ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 31-январдаги 24/1-3272-сонли “2018-2019 йилларга мўлжалланган Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури” жами 41 та банддан иборат бўлиб, мазкур дасдур доирасида республиканинг барча ҳудудларидан маҳаллий сайёхларнинг И.В.Савицкий музейига ташрифлари ташкил қилинди, 2018 йилда музейга 35 мингдан ортиқ маҳаллий туристлар ташриф буюришган бўлса, бугунги кунга келиб йил бошидан 11 ой давомида ташриф буюрган туристлар сони жами 84 152 тани ташкил қилган. Бундан ташқари, дастур бўйича тупоператорлик ташкилотлари томонидан 4 та



автобус, 6 та йўлтанламас транспорт воситлари олиб келтирилган бўлса, тадбиркорлик субъектлари томонидан 6 та янги меҳмонхона ва 2 та туристик лагерлар ташкил қилинган<sup>1</sup>.

Қорақалпоғистон Республикасида 2019-йилда туризм салоҳияти ва инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида қиймати 60,05 млрд.сўмлик, шу жумладан 15,18 млрд. сўм ташаббускорлар маблағлари, 36,57 млрд. сўм банк кредитлари ва 8,3 млрд.сўм инвестиция ҳисобига 20 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, қарийб 400 та янги иш ўринлари яратиш режалаширилган.

Кейинги йилларда иктисадиётнинг бошқа тармоқлари қатори туризм соҳаси хам фаол ривожланмокда. Мамлакатда ички туризмни оммалаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда, давлат томонидан Ўзбекистонга хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Қорақалпоғистон Республикасида экотуризм салоҳиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Шимолий минтақа ўзининг бой тарихи ва маданий мероси билан туристлар оқимини жалб қила олади. Шу билан бирга, яқин маданий мерос. Айни пайтда худуди экологик оғат ҳудудига айланган Орол денгизи ҳам жаҳон ҳамжамиятининг дикқатини тортмоқда. Бу йўналишдаги экотуризм Оролбўйининг туризм салоҳиятини тарғиб этувчи омиллардан бирига айланмокда<sup>2</sup>.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан мамлакатимиз ва хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сайёҳлик обектлари инфратузилмаси такомиллаштирилиб, сайёҳлар қатнови йўналишлари бўйлаб йирик автомобил йўллари бўйлаб санитария-гигиена пунктлари сони кўпаймоқда. Тураг жойлар кўпаймоқда: йирик меҳмонхоналар, ётоқхоналар ва оиласвий меҳмон уйлари билан бир қаторда янги туристик йўналишлар ишлаб чиқилмоқда.

Қорақалпоғистонда туризм соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хақида гапирганда, бу жараённи рақамлар билан кўрсатиш керак. Бугунги кунда вилоятда 45 сайёҳлик корхонаси, 86 туристик жойлаштириш маскани, шундан 33 та меҳмонхона, 36 та оиласвий меҳмон уйи ва 17 та ётоқхона мавжуд. Сайёҳларни ташиб учун 11 та микроавтобус, 45 та йўлтанламас ва 12 та квадросиклдан фойдаланилади. Кафедрада 200 дан ортиқ обектлар, жумладан, халқ ҳунармандлари устахоналари – ҳунармандлар, музейлар, истироҳат боғлари, аквапарклар ва бошқа дикқатга сазовор жойларга хизмат кўрсатувчи 25 гид ва таржимон фаолият юритади<sup>3</sup>.

Қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари Тўрткул, Беруний, Элликкаъла туманларига туристларнинг келиши шу туманларда жойлашган “Қиёт”, “Жанбошқаъла”, “Қойқирилганқаъла”, “Катта Гулдирсин”, “Тупроққаъла”, “Катта Қабатқаъла” археологик ёдгорликларига яқин орада катта ижобий ишларнинг сабабчи бўлади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> ҚРМДА Р-678 фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 45 варак

<sup>2</sup> Сулайманов С.А. Қорақалпоғистонда экотуризмни ривожлантириш истиқболлари// Тарихий манбушанослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти, методлари ва методологиясининг долзарб масалалари атамасындағы республика VI илмий теориялық конференциясының материаллары. – Ташкент, 2015. – Б.267-269.

<sup>3</sup> Ҳоким ота Сулаймон Бокирғоний таваллудининг 900 йиллигига бағишлиланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами, 29-30-сентябрь, Нукус «Илим», 2022, 143-144 бетлар.

<sup>4</sup> ҚРМДА Р-515 фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 464-варак.



«Саёхат – арабча сўз бўлиб, дам олиш, чарчоқни чиқариш ёки дунёни кўриш, ўрганиш мақсадида ташкиллаштирилган сафар», - деб ёзилган. Сафар тушунчасининг ўзи ҳам арабчадан олинган ва у хизмат ёки саёхат мақсадида бир жойга бориш деганди билдиради. [11,347].

Зиёрат туризми Қорақалпоғистоннинг сайёхлик йўналишларидан бири бўлиши мумкин ва турли тарихий-маданий мерос, анъана ва этнография сифатида Буюк ипак чорраҳасида жойлашган Оролбўйи халқларининг адабий мероси ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳудудда туризм соҳасида зиёрат туризм йўналишида ҳам кенг камровли ишлар тизимли ташкил этилмоқда. Хусусан, зиёрат туризми йўналишида 10 обьект киритилган.

Мустақиллик тарихимизни тиклаш, маданий, маънавий меросимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга безавол етказиш имконини берди. Масалан, 2022 йилда Сулаймон Боқирғоний (Ҳоким ота) нинг 900 йиллик юбилейи муносабати билан Мўйноқ туманидаги Сулаймон Боқирғоний (Ҳоким ота) мақбараси тамирланиб, уларнинг атрофи обод гўшаларга айлантирилди.

Туристик йўналишлардаги диний (зиёрат) марказларнинг илмий-назарий асослари. Диний (зиёрат) марказлари деганда: маълум бир ҳудудда мукаддас ислом динимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар, шариат пешволари, диний номоёндалар туғилиб-ўсган жой, улар ташриф буюрган ҳудуд, таълим олган даргоҳ ва охирати кўним топган маконлари тушунилади. Масалан, юртимиздан етишиб чиққан суфизм тариқатининг ёрқин вакилларидан бири Сулаймон Боқирғоний (Ҳоким ота) нинг туғилган жойлари ва Мўйноқ тумани (Дўстлик маҳалласи)даги мақбаралари, ул зот билан боғлиқ шундай диний (зиёрат) обьектлари бўлиши мумкин.

Мазкур мавзу доирасида Қорақалпоғистон туристик йўналишларидаги диний (зиёрат) марказларининг ривожланиши ва таҳлили ўрганилиши керак. Қорақалпоғистон туристик йўналишларида диний (зиёрат) марказларининг аҳволи ва уларни модернизациялаш жараёни ҳақида далилий материаллар керак бўлади Кейинги йилларда республикамизда диний (зиёрат) марказларга бўлаётган эътибор, буюк алломаларимизнинг меросларини ўрганишга қаратилган тадбирлар буларга мисол бўла олади.

Қорақалпоғистоннинг диний (зиёрат) марказларининг ҳудуд туризм ривожидаши аҳамияти катта бўлиб, Республика ва қўшни Туркманистон ва Қозогистон сайёҳларини доимо қизиқтириб келмоқда. Ҳудуддаги туристик корхоналар ўз туристик маҳсулотларини айнан шу йўналишга қаратмоқда<sup>5</sup>.

Ҳудудда туризмни ривожлантиришда янги диний (зиёрат) обьектлернинг таҳлилига келсак. Мустақилликдан сўнг юртимизда олиб борилган таъмирлаш ишлари ва янги зиёрат обьектлерининг бунёд этилиши буларга мисолдир. Қорақалпоғистон ҳудудида жуда кўплаб алломалар, диний уламолар етишиб чиққан. Биз мақоламиизда улардан айримларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бутун Ўрта Осиё ва араб дунёсида машҳур Султон Увайс Караний тарихда бўлган шахс ва унинг яшаган даври VII асрга тўғри келади. Қабрлари Беруний тумани ҳудудидаги Султан Вайс бобо мақбарасида жойлашган. Султон Увайс қабрига 998-йили Султон Мухаммад Хоразмшоҳ томонидан ilk бор мақбара қурилади. Чингизхон босқинчилиги

<sup>5</sup> Ягодин В.Н. Памятники истории и культуры в концепции устойчивого развития (Использование культурного наследия народов Южного Приаралья для развития туризма) //Вестник ККО АН РУз. 2006. №1. — С.38-42



вақтида захмланган бино 1805-1806-йиллари Хива хони Елтузер хон томонидан қайта тикланади. Хива таҳтига ўтирган Оллакули(1825-1842)хон Султон Увайс хурматига мақбара қурдиради.

Султон Увайс мажмуаси тўғри тўртбурчак бўлиб ( $56.76 \times 21.29$  м) у пишган ғишттан қурилган қалин (08, м) ва бийик (2-2,1м) деворлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Девор ишида бобонинг маҳбараси ( $17,25 \times 15,7$  м) ханакоҳ, ёзги ва қишки масжид ва йигирмага яқин катта кичик хужралар жойлашган. 1985, 1989, 1990-йиллар мажмуада олиб борилган илмий изланишлар унинг бир нечта даврни ўз ишига олганини кўрсатади<sup>6</sup>.

Султон Увайс Караний мажмуаси бугунги кунда минтақада зиёрат туризми бўйича энг кўп зиёратчилар ташриф буюрадиган масканлардан бири ҳисобланади.

Айникса зиёрат туризми учун асосий зиёрат ўринлари бўлиб улардан Қабақли ота мақбараси Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани ҳудудида жойлашган XVII- XIX ва XX асрларга тегишли мақбаралар бор. Бу илк замонлардан Орол денгизи кирғоқларида яшаган кароқолпоқларнинг, шунингдек кейнчалик у ерни макон қилган қозокларнинг мазори ҳисобланади. Мазористон шарқдан жанубга ярим чакиримга якин чўзилган баланд кум устида жойлашган. Мазористон ҳудудида XVIII-XIX асрларда солинган катор архитектура мерослари-махбаралар сакланган. Мазористонда зиёратчиларнинг келадиган маркази ўрни Қабақли ота қабри ҳисобланади. Ҳалқ орасида у ҳақида хар ҳил афсоналар сакланиб келган. Бу муҳаддас жойда Жийен Жиров, Ўтеш шоир, Аннакул шоир, Омар шоир, Бегжан шоирлар, Едил бий, Абдикерим, Бекмурод ахунлар ва бошкада ҳалқимизга таникли инсонлар дафн етилган<sup>7</sup>.

Аллаберди Азизлер ота мақбараси Нукус тумани Ақманғит мавзесида, Ток қалъанинг шарқида жойлашган. XVIII аср ўрталарида (1744-й) Шортанбай маконида ўтроқ ҳалқларга Аллаберди домла имомлик қилган. Руҳий етакчи сифатида қорақолпоқларнинг қанғли уруғидан бўлган Аллаберди домла ҳақида тарихий манбаларда келтирилади. 1912-йили нашр қилинган В.Ловачевскийнинг харитасида Аллаберди мазори кўрсатилган. Ҳайвон қалъа атрофларидан Азизлар бобанинг 300 гектар вакф ерларига эгалик етганлиги ҳақида Хива хонларининг ёзма манбаларида учрайди. Бобанинг қабри устидаги эски маҳбаранинг бузилганлиги оқибатида, 1979-йили унинг авлодлари томонидан янгидан кўк гумбаз солиниб, қабр тоши ўрнатилди<sup>8</sup>.

Тўқмақ ота мақбараси Муйноқ шахрининг Уш сой посёлкасида балант қумнинг тепасида жойлашган. У ҳақида Жийен Жировнинг Кўнхожанинг асаларида: "Тоқпактан есть қатты жел, Буннан бардым Ҳазрети Тоқпакқа" деган сатрларнинг учраши унинг XVIII-асрнинг ўрталаридан бўлганлигини кўрсатади. XIX-асрда бу ерда бўлган Венгряли олим Вамбери Тоқпақ бобанинг "балиқчиларнинг пири" еканлигини, гумбаз ичиди эски чапоннинг, уй буйимларининг сакланганлигини айтади. Ҳалқ орасида Тоқпақ ота, Буғрахон ота, Хоким оталар Ҳожа Ахмад Яссавийнинг шогирдлари бўлган деган афсоналар сакланган<sup>9</sup>. Тоқпақ ота Яссавийдан пирлик этишни сўраганда, унга рухсат бермаганига қарамастан ўзлигиша кетип қолган ва ўз кемасида сувга кетиб ғарк бўлган. Ҳозирги ўрни унинг танасиинг тўлқин билан

<sup>6</sup>Ходжаниязов Г., Юсупов О. Қарақалпақстандагы муҳаддес орынлар. Нөкис «Полиграфист» 1994, 26 бет

<sup>7</sup>Ходжаниязов Г., Юсупов О. Қарақалпақстандагы муҳаддес орынлар. Нөкис «Полиграфист» 1994, 38 бет

<sup>8</sup>Ходжаниязов Г., Юсупов О. Қарақалпақстандагы муҳаддес орынлар. Нөкис «Полиграфист» 1994, 40 бет

<sup>9</sup>Камалов С.К. Вамбери Қарақалпаклар туўралы. Нөкис, 1995-жыл. 23 б.



иғиб чиқган жойи екан. Тоқпақ отанинг қабри ўстидаги мақбара материаллари унинг XVIII-асрда солинганлигини кўрсатади. 1992-йили унинг устига янги гумбаз солинади<sup>10</sup>.

Довут ота мақбараси Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани худудида жойлашган. Довуд ота тарихдаги Барақ ботирнинг невараси. Унинг отаси Асау билан бобоси Барақнинг қабри Қозогистон билан Ўзбекистоннинг чегарадош тумани, Сам қумида жойлашган. Довут отанинг қабри эса Қўнғирот туманининг жанубида жойлашган. Афсоналарга қараганда Барақ ботирнинг найзаси Қўнғирот туманинда яшовчи авлоди Гулжаннинг уйида сақланади. Найза отадан болага ўтиб келган. Барақ ботирдан Асауга, Асаудан Довутга, Довутдан Алланазарга, Алланазардан Қилишниязга Қилишнияз қариган чоғида ўз болаларига ишонмай Барақнинг отаси билан туғишган Жамекейнинг авлоди Рахманбийга, у боласи Жаманкеге, у Гулжанга қолдиради<sup>11</sup>.

Абу бакр аш-Шибилий ота мақбараси IX-X асрларга тегишли бўлиб Қоракалпоғистон Республикаси Кегейли тумани Қумшунгил овул фуқаролар йиғини худудида жойлашган. Шарқ ислом дунёсида машхур инсонлардан бири. Академик Э. Бертелснинг аниқлашича Шибилий 861-945 йилларда яшаган. Швейцариялик шарқшунос олим Шибилийни 912-йилларда Бағдод шаҳрида машхур З шайхнинг бири ва унинг отаси Бағдод халифалари саройларида машхур олим сифатида танилган. Ўз давриниг суфизм таълимотининг йирик вакили бўлган. Абу Бакр аш-Шибилий суфизм таълимотин тарқатиш мақсадида савдо йўли орқали X асрнинг биринчи ярмида Жанубий Орол бўйларига келади. Демак, Турон водийсида ислом динин ривожлантиришда Хожа Ахмад Яссавий, Баҳауддин Нақшбанд, Суфи Оллоёр, Кубравийларнинг таълимотлари яъни суфизмнинг тарқалишинан аввалроқ бўлганидан дарак беради. Шибилий шайх суфийлик таълимотининг 4 босқичнинг иккинчи босқичига, яъни дунёни тарқ этишга чақирган мистик суфийлар оқимининг вакили. Унда тирик маҳлуқотни ўлтираслик, ёлғон гапирмаслик, ўғрилик ва хорлик қилмаслик, бойликка талпинмаслик, рўза тутиш сингари ўзгача тарбиявий, эстетик маъноларнинг бор эканлигин англайсиз. Шунинг билан бирга бу дунёning лаззатлари ва ғазабларинан озод бўлиш учун, яратганни доим қалбда сақлаб, нафс ва ғазаб ақлга бўйсиндирилса, одам тозаланиб Аллоҳнинг даргоҳига бориши айтилади<sup>12</sup>.

Шибилий ота қабристони Кегейли тумани Дарвоза кум қишлоғида, Амударёning денгизга қўйиладиган Куўанишжарма номли тармоғи ёнида жойлашган. Унинг бир томони лолазор бўлса бошқа томони Қизил кум. Қабристон ёнида Куўанишжармадан кўприк бўлган. Афсоналарга қараганда шу кўприкнинг қўриқчisi Ғайиб ота кунларнинг бирида сув остида ётган одамни кўради ва уни сувдан чиқариб олади. Сувга чўкиб ўлим ҳолига келган одам Ғайип отага "Худонинг дийдорига ошиқ бўлиб, ўзимнинг тирикчилигимни йиғишириб, унинг йўлига отланган Абу Бакр Шибилий эдим. Бу ишимга сиз аралашдингиз, Худонинг буйруғи экан. Мени мана шу ерга дағн этинг. Зиёратга келганлар дастлаб сизни кейин мени зиёратласин"-дейди. Вакт ўтиши билан Ғайиб ота оламдан ўтиб отанинг ёнига дағн қилинади. Мана шуннан кейин қабристонга келганлар дастлаб қўриқчи отани кейин Шибилий отани зиёратлади. 1993 йилда унинг шарқ томонига мақбаралар тикланди<sup>13</sup>.

<sup>10</sup> Ходжаниязов Г., Юсупов О. Қарақалпақстандагы мұхаддес орынлар. Нөкис «Полиграфист» 1994, 42 бет

<sup>11</sup> Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амудары. К истории взаимоотношений народов Каракалпакии в XVIII-XIX вв. Ташкент, «ФАН», 1966, С.259

<sup>12</sup> Юсупов О. Шибилий Ата ҳаққында/ Қарақалпақстан жаслары, 1993-жыл 11-сентябрь.

<sup>13</sup> Ходжаниязов Г., Юсупов О. Қарақалпақстандагы мұхаддес орынлар. Нөкис «Полиграфист» 1994, 28 бет



Хаким ота Сулаймон Бақирғоний мақбараси Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани Ҳаким Ота ОФЙ ҳудудида жойлашган. Хаким ота ҳақида халқ орасида ҳар турли афсоналар бор. Айирмлари XIX асрда нашриётларда нашр килинган. Мана шу афсоналарнинг бирида қуйидагича маълумотларни кўришга бўлади. Хўжа Ахмад Яссавий мадрасасин тамомлаб Тўқмоқ ота, Занги ота, Кўчқор ота қаторига Хаким отани ҳам Жабуний Орол бўйига юборади. Отанинг ҳозирги қабри жойлашган ўрни аввал келган макони экан. Йўлда келаётганда туясининг бўйдаси қолади. Туя келиб чўккалаган ерга ўзига уй солиш учун ота ўрмонга боради. Шу аймоқнинг хони Буғронинг ўрмондаги вакили рухсатсиз келгани учун Хаким отага азоб бермоқчи бўлади. Лекин атрофдаги ўсимликлар тилга кириб отани қўриқлади. Буни кўрганлар воқеани хонга етказади. Буғрохон Хаким отанинг оддий одам эмаслигин тушуниб уни ўзига яқинлаштироқчи бўлади. Хон бўйи этган 3 қизининг каттасин Хоким отага ёрдамга юборади. Қиз лой ишлаётган Хаким отага яқинроқ ўтириб гаплашмай қайтиб кетади. Иккинчи қизи ҳам шуни қиласди. Учинчи қиз эса келиши билан ёрдамлашиб кетади. Академик Я. Гулямов томонидан уруш йилларидан олдинги ёзиб олинган маълумотларга қараганда Хоким отанинг катта 2 боласи ота йўлидан юрса ҳам кичкинаси Убби хўжанинг ёшлигидан овчилик ва чабандозликка қизиққани айтилади<sup>14</sup>. Буни кўрган отаси уни дарвеш эмас жангчи бўлади деб ўйлади, лекин у ҳам отаси сингари дин йўлидан юради. Вақт ўтиши билан турли кароматлар кўрсатади. Илмий манбаларда Хаким отанинг асосий исми Сулаймон Бақирғоний. У Хўжа Ахмад Яссавий мадрасасин тамомлаган, унинг дастлабки шогирдларидан, ўзининг устозининг назмий дастурларин давом этувчи катта шоир инсон бўлган. 1991 йилда Тошкентда "Ёзувчи" наширётида "Бақирғоний китоби" нашр этилади. Китобда унинг 20дан ортиқ шеърлари хикматлари келтирилган. Унинг шеърларида дунёга эмас охират ҳаётига бўлган иштиёқ, яхшилик ва ёмонлик ҳақида, ҳаётда муаффакиятга етишиш йўллари ҳақида айтилади.

Ёзма манбалар билан афсоналар Хоким отанинг қабристони ўрнини аниқ кўрсатади. У Мўйноқ туманида жойлашган. Сўнги йилларда бу қабристонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, зиёратчилар учун шароитлар яратилди<sup>15</sup>.

Хаким ота қабристони ҳақида маълумотлар кейинги даврларда ҳам кўринади. Масалан, XVII, XVIII, XIX, асрлардаги қорақалпоқларнинг этник жойлашуви ҳақидаги эълон қилинган илмий карталарда Хаким ота Кўнғирот билан Мўйноқ орасида ҳозирги қабристонда жойлашганин кўрсатади. 1842-йили Кўнғиротга келган рус элчиси Г. Даниельский ўзининг Хоким ота мозорида бўлганилиги ҳақида ёzádi. Шундай этиб, XII-асрларда яшаган машхур диний арбоб, шоир Сулаймон Бақирғоний — Хоким ота мозори Мўйноқ туманида жойлашган. Унинг қабри устида бир неча бор, яъни XII—XIV, XVI ва XIX асрларда мақбаралар тикланади. Аллақулхон даврида тикланган сўнги мақбара 1935, 1946 йиллардаги сув тошқинида вайрон бўлган. Ҳозирги мақбара 1979-йил тикланган<sup>16</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 23–24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль куни ўtkазилган 16-сонли мажлис баёнига мувофиқ Ҳаким ота – Сулаймон Бақирғоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган халқаро конференция, шунингдек Мўйноқ туманига хорижий

<sup>14</sup> Гулямов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. Тошкент, Фанлар академияси нашриёти, 1959. 32 бет.

<sup>15</sup> Туребеков М., Ҳакимназов Ж., Сайпов С., Толыбаев М. Ҳәkim ата Сулайман Бақырғаний комплексинде алып барылган археологиялық изертлеўлер//Вестник КГУ №4(58) 2022, 202-206 б.

<sup>16</sup> Ходжаниязов Г., Юсупов О. Қарақалпақстандагы мұхаддес орынлар. Нөкис «Полиграфист» 1994, 29 бет



сайёхлар оқимини күпайтириш, айниңса ички туризмни ривожлантириш мақсадида жорий йилда “Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши” халқаро рассомлар ва ижодкорлар фестивали ҳамда “Орол балиқларидан 99 хил таом” гастрономик фестивалини ўтказишни ташкил қилиш вазифаси белгиланган.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 сентябрдаги 89-сонли мажлис баёни тасдиқланди.

Тадбирга тайёргарлик кўриш мақсадида Ҳаким ота – Сулаймон Бокирғоний зиёратгоҳи атрофи ободонлаштирилиб Сулаймон Бокирғоний ҳаёти ва ижоди шунингдек конференция ўтказилиши тўғрисидаги видеоролик тайёрланди, тарқатма материаллар, маърузалар тўплами нашр қилинди. 29 сентябрь куни Тошкент – Нукус – Мўйноқ йўналишида авиа рейс ташкил қилинди. Мазкур баёнга мувофиқ ушбу тадбирлар жорий йилнинг 29–30 сентябрь кунлари Мўйноқ тумани ва Нукус шаҳрида қўйидаги тартибда ўтказилди.

Ибн Мусо ибн Давуд Абу Абдуллаҳ ан-Наринжаний бобо мақбараси Қарақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани худудида жойлашган. Узоқ вақтлар давомида қумлар остида қолиб кеткан ёдгорликнинг маълум қисмлари археолог олимлар томонидан тадқиқот қилиниб, унинг VII—VIII, X—XI ва XIII—XIV асрларга тегишли шаҳар эканлиги аниқланди. Шаҳарнинг ёнидаги қабристонда Наринжан бобо комплексига XIII—XIV асрларда тикланган мақбара, зиёратхона, хонаҳоқ, масжид, ошхона сингари бир қанча ҳар турли қурилишлар бор. Мақбара ичидаги қабр устида ўрнатилган сағана ҳар турли нақшлар билан ишланган, тош плиталар билан қопланиб, унинг ғарбий томонидаги деворга қўйидагилар ёзилган: "Бул мақбара Худо йўлига мангу рўза, шайх, имом, Худо олдида таъзим қиласидиган ва ерда унинг кароматини пайдо этувчи, машхур Мухаммад ибн Мусо ибн Давид Абу Абдуллаҳ ан-Наринжанийни. Унга ва унинг дўстлари билан яқинларининг устига Яратганинг нури ёғсин, ҳижрий 712 йил санаси." Демак 1312 йил Абдуллаҳ Наринжаний оламдан ўтади, у XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган ўз даврининг машхур олими. Узоқ йиллар давомида эскан шамоллар натижасида қум остида қолган мақбарада тозалаш ишлари олиб борилди. 1991-йил ЎзФА Археология институти реставрация бўлими томонидан таёrlанган режа бўйича янги мақбара тикланди<sup>17</sup>. Ҳозирги вақтта Наринжон бобо мажмуаси Элликқаъла тумани диний бўлими таркибида фаолият олиб бормоқда.

Худудда туризмни такомиллаштиришда диний зиёрат марказларидан самарали фойдаланиш истиқболлари ҳам долзарб аҳамиятга эга. Туристик дастурларни янги манбалар билан бойитишда диний (зиёрат) марказлардан фойдаланишнинг турли комбинацион йўлларни излаб топиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда туристик корхоналарда диний (зиёрат) обьектлардан фойдаланишнинг самараси катта бўлади. Ҳудуддаги туристик корхоналар томонидан ишлаб чиқилган туристик маҳсулотларда диний зиёрат дастурлардаги нарх-наво сиёсати каби масалалар мазкур мавзу доирасида ўрганилишини мақсадга мувофиқ, - деб ўйлаймиз.

#### Адабиётлар:

- Сулайманов С.А. Қарақалапақстан Республикасында тарийхый-этнографиялық туризмди раўажландырыў перспективалары// ҚМУ Хабаршысы, №2(35) 2017.- 127-129 б.
- Сулайманов С.А. Уллы Жипек жолы бойындағы Қубла Арал бойы қалалалары// Приложение Вестник ККОАНРУз, №4, 2017. -41-44 б.

<sup>17</sup> Ходжаниязов Г., Юсупов О. Қарақалпақстандагы мұхаддес орынлар. Нөкис «Полиграфист» 1994, 33 бет



2. Сулайманов С.А., Кдырниязов Н.С. Традиции и обычаи каракалпаков в сфере рыболовного и охотничьего хозяйства// Форум молодых ученых №1 (65) 2022, forum-nauka.ru
3. Сулайманов С.А.Орол денгизи ва Амударё сув йўллари тарихи(XIX асрнинг 70-йиллари-XX асрнинг 80-йилларининг биринчи ярми), Нукус «Lesson press», 2022, 230 б.
4. Сулайманов, Саламат Арапбаевич, О музеефикации памятников истории// Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»., №6, 2021, С.691-696.
5. Сулайманов С.А. Амударё экспедицияси тадқиқотларида Қоракалпоклар ҳақида маълумотлар// Хоразм Маъмун Академияси Ахборотномаси, №3, 2022, 92-95 б.
6. Сулайманов С.А. Ҳаким ота Сулаймон Бокирғонийнинг илмий ва маънавий мероси// Ҳаким ота Сулаймон Бокирғоний таваллудининг 900-йиллигига бағишланган ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Нукус «Илим» 2022, 130-131 б.

